

Исмларнинг бу илмга энг яқини ва муносиби ҳақида | Ақийда дарслари (265-дарс)



19:00 / 20 февраль 1624

Мазкур исмларнинг «Усулуд-дин» илмига энг яқини ва муносиби, матнларга мувофиқи замон жиҳатидан энг қадимгиси, Ислом ақийдаларига энг равшан далолат қилувчиси «Илми Фикҳул Акбар» исмидир.

Доктор Ҳасан Маҳмуд Шофееъий «Ал-Мадҳал ила дирасоти Илмул Калом» номли китобида қуйидагиларни ёзади:

«Агар ҳозирда бу илм учун бирор исмни муомалага киритиш имконимиз бўлганида, қуйидаги илмий жиҳатларга кўра унинг «Фикҳул Акбар» деб номланишини таклиф қилган бўлар эдик:

1. Бу исм Қуръоний асосга эга бўлган қадимий исм бўлиб, «Илмул Калом» номидан келиб чиқадиган турли тухмат ва танқидлардан холидир.
2. Бу исм мазкур илмнинг шаръий-исломий илмлар билан боғланишини ва ўша илмлар орасидаги обрўсини ҳам ифода этади.

Таърифлар ва исмлар ҳақидаги маълумотлар «Ал-Мадҳал ила дирасоти Илмул Калом» китобининг 9-бетидан 28-бетигача бўлган саҳифалардан қисқартириб олинди.

نمحرلأهلألمسب

محرلأ

مألأسإلأهأحمةألغلألق
- يوأحأطلأقأرؤلأرفعأجوأ
نأبأركذأذه :- رصمب
ةعأمأجلأوهنأسلألهأةديقع
:ةلملأءأهأقأفبأهأدمألع
نأبأنأمعأنلأةفأنأحأبأ
أبأوأأفأوكلأأبأأ
مأهأربأنأبأوقعأفأسوأ
هللأذبأعأبأوأأأرأصنألأ
نأسألأنأبأدمأم
هللأأمهأمرأأأبأأشأ

نَمَنْ وَدِقَّتْ غِيَامُو، نِي غَمَجْ أ
هَبَنْ وَنِي دِي وَ، نِي دِلْ لَوْصُ أ
نِي مَلْ أَعْلُ بَرْ ل

Аллома, ҳужжатул Ислом, мисрлик Абу Жаъфар Варроқ Таҳовий айтадики: «Ушбулар Аҳли сунна вал жамоанинг дин фуқаҳолари Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит Куфий, Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Ансорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний раҳимаҳуллоҳлар мазҳабига биноан ақийдасидир ва дин аслларида эътиқод қилиб, Роббул оламиинга диёнат қиладиган нарсаларидир».

Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.